

4/2023,
iyul-
avgust
(№ 00066)



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Асланова Дилбар Хасановна

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти проректори, и.ф.ф.д., профессор, Самарқанд, Ўзбекистон. aslanovadilbar0@gmail.com
<https://orcid.org/0000-0001-8173-3801>*

Фарангис Ишанкулова Азамовна

*PhD докторант, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд, Ўзбекистон. i.farangis.797@gmail.com
DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a22*

Аннотация

Мақолада таълим хизматлари, олий таълим хизматларининг мамлакат ривожига аҳамияти, “таълим хизматлари”, “олий таълим хизматлари сифати” тушунчаларига олимлар ва тадқиқотчиларнинг фикрлари, уларга нисбатан фикр-мулоҳазалар тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, сифатли таълимни таъминлашга таъсир этувчи омиллар, таълим сифатининг таркибий қисмлари ўрганиб чиқилган. Ўрганишлар натижасида таълим хизматлари, шу жумладан олий таълим хизматлари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий категория эканлиги аниқланди. Шунингдек, олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа тажрибаси ўрганилди, Финляндия тажрибаси мисол сифатида келтирилди. Сўнги ўн йилда таълим хизматлари сифатини тартибга солишда мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, бизда ва чет элда Таълим сифатини назорат қилиш билан шуғулланадиган ташкилотлар фаолияти ва уларнинг бир-биридан фарқи келтирилган бўлиб, мамлакатимизда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Калит сўзлар: таълим, олий таълим, таълим хизматлари, сифат.

УСЛУГИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И СПОСОБЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИХ КАЧЕСТВА

Асланова Дилбар Хасановна

Проректор Самаркандского института экономики и сервиса, профессор, Самарканд, Узбекистан.

Фарангис Ишанкулова Азамовна

PhD докторант, Самаркандский институт экономики и сервиса, Самарканд, Узбекистан.

Аннотация

В статье рассматриваются мнения ученых и исследователей о понятиях образовательных услуг, значении услуг высшего образования в развитии страны, «образовательных услугах», «качестве услуг высшего образования» и их мнения о них. Кроме того, были изучены факторы, влияющие на предоставление качественного образования, составляющие качества образования. В результате исследований установлено, что образовательные услуги, в том

числе услуги высшего образования, являются не только экономической, но и социальной категорией. Также был изучен европейский опыт обеспечения качества высшего образования, в качестве примера был приведен опыт Финляндии. В последние десять лет проведенные в нашей стране реформы по регулированию качества образовательных услуг, деятельность организаций, осуществляющих контроль качества образования в нашей стране и за рубежом, и их отличия друг от друга представлены, и внесены предложения по их совершенствованию в нашей стране.

Ключевые слова: образование, высшее образование, образовательные услуги, качество.

HIGH EDUCATION SERVICES AND THE WAYS OF THEIR QUALITY ASSURANCE

Aslanova Dilbar Khasanovna

Vice-Rector of the Samarkand Institute of Economics and Service, Professor, Samarkand, Uzbekistan.

Farangis Ishankulova Azamovna

PhD doctoral student, Samarkand Institute of Economics and Service, Samarkand, Uzbekistan.

Abstract

The article discusses the opinions of scientists and researchers on the concepts of educational services, the importance of higher education services in the development of the country, "educational services", "quality of higher education services" and their opinions about them. Additionally, the factors affecting the provision of quality education, the components of the quality of education, were studied. As a result of the research, it was found that educational services, including higher education services, are not only an economic, but also a social category. The European experience of quality assurance in higher education was also studied. As an example the experience of Finland was given. In the last ten years, the reforms carried out in our country to regulate the quality of educational services, the activities of organizations that control the quality of education in our country and overseas, and their differences from each other are given and recommendations are made for its improvement in our country.

Keywords: education, higher education, educational services, quality.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг интенсив ривожланиши шароитида олий таълим соҳаси мамлакатнинг барқарор иқтисодий, ижтимоий ривожланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик соҳаси сифатида аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Олий таълим инсон ресурсларига сармоя киритади ва ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишининг муҳим омилига айланган. Шу боис жаҳондаги барча мамлакатларда таълим соҳаси истиқболлини белгилаш мақсадида кўпгина илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам таълим соҳасида катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожатномасида “сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак. Авваламбор, бунга ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади” [1] деб таъкидлаб ўтилган.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили

Мазкур соҳада дунё олимлари томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилиб, таълим соҳасининг менежмент, таълим хизматлари бозорини ривожлантириш йўналишидаги тадқиқот ишларига назар ташласак, турли ёндашувларни кузатиш мумкин. Жумладан, таълим хизматлари моҳиятини очишга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқот ишларида олимларнинг айримлари “Таълим хизматлари” тушунчасига иқтисодий категория, айримлари эса ижтимоий тушунча сифатида таърифлар берган. Масалан, А.П.Панкрухин [2] таълимнинг асосий мақсадини ёки унинг миссиясини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган комплекс хизматлар мажмуи, деб таъриф берган. М.П.Мерзлова [3] эса, таълим соҳасидаги инсон эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли фаолият йиғиндиси ва ушбу фаолиятга кўмаклашувчи ашёвий кўринишдаги таълим маҳсулотлари, деб таърифлаган.

А.В.Болотов [4] “Таълим хизматлари” тушунчасига инсоннинг таълимга бўлган эҳтиёжини бевосита қондирадиган фойдали меҳнат шакли ҳамда унинг таълимга бўлган талабини мустақил (дарсликлар, ўқув дастурлари, қўлланмалар ва ҳ.к.) қондиришга қаратилган моддий-ашёвий таълим маҳсули сифатида қарайди.

Т.Е.Ривчун [5] ўз ишларида “Таълим хизматлари” тушунчасига шахс, жамият ва давлатнинг турли эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиладиган билим, маълумот ва кўникмалар тизими деб қарайди.

Т.В.Данилова [6] “Таълим хизматлари” таълим бозорида олий таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган ва аниқ истеъмолчининг таълимга бўлган эҳтиёжини қондирадиган таълим жараёни ва унга ёрдамчи жараёнларнинг умумий натижаси, деган фикрни олға суради.

С.А.Мохначев [7] “Таълим хизматлари” тушунчасини инсоннинг меҳнат қобилиятларини шакллантириш жараёни, яъни инсон капиталига ноз-неъмат шаклида сармоя киритиш сифатида қарайди.

Е.Д.Липкина [8] эса, мазкур тушунчага таълим соҳасидаги мураккаб иқтисодий муносабатларни ўзида мужассамланган иқтисодий категория, деб таъриф беради.

Ю.С.Куликов [9] бу тушунчага таълим олувчининг шахсий таркибини ижтимоий-психологик ўзгартиришга қаратирилган алоҳида педагог ёки педагоглар жамоасининг меҳнати сифатида қарайди.

В.И.Звонников [10] - “Таълим хизматлари” тушунчасига аниқ дастур бўйича инсонга бериладиган ўқув ва илмий маълумотлар ҳажми, яъни умумтаълим ва махсус билимлар, амалий кўникмалар йиғиндиси, деб таъриф беради.

Таълим хизматларидан фойдаланиш натижасидаги билимнинг ўзгариши нафақат олий таълим муассасаларининг хизматларига, балки талабанинг мавжуд билимларига, унинг мотивациясига, меҳнатсеварлигига, олдинги тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун, О.В.Сагинованинг фикрига кўра, олий таълим муассасалари битирувчиларини унинг маҳсулоти деб санаш мумкин эмас [11]. Олий таълим муассасаларининг маҳсулоти истеъмолчининг таълим даражаси ёки касбий тайёргарлигини ўзгартиришни мақсад қилган ва таълим ташкилотининг тегишли ресурслари билан таъминланган, таълим маҳсулоти ва хизматлари мажмуини ўз ичига олган таълим дастуридир.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув ҳамда хорижий мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш мақсадида илмий мушоҳада усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотда олий таълим хизматлари сифати, сифатли таълимни таъминлашнинг омиллари, хорижий мамлакатларда таълим сифатини таъминлаш тажрибаси, мамлакатимизда олий таълим хизматлари сифатини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси бўлиб, илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг олий таълим хизматлари сифатини таъминлаш юзасидан олиб борган изланишлари, шунингдек шу соҳа вакиллари фикр-мулоҳазалари ҳисобланади. Мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув ҳамда хорижий мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш мақсадида илмий мушоҳада усулларидадан фойдаланилган ҳолда мавжуд муаммолар аниқлаб олинган ҳамда олий таълим хизматлари сифатини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Таълим хизматларини кўрсатишнинг якуний натижаси касбни эгаллаганлиги ёки ўқув дастурларида назарда тутилган билим ва кўникмаларни ўзлаштирганлигини ифодаловчи дипломни қўлга киритишдир.

Бу натижа ўз ичига қуйидаги асосий компонентларни қамраб олади: маълум мутахассислик бўйича билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш; жамиятда янги ижтимоий мавқега эга бўлиш; ўзини-ўзи технологик ва психологик ташкил этиш қобилиятларини ривожлантириш; эгалланган мутахассислик бўйича шахсий маълумотлар базасини тўплаб бориш.

Шахсининг ижтимоий мавқеи ёки жамиятдаги ўрнини топиши олий таълим муассасаси битирувчисининг фаол шахсга айланиши, жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида маълум ўринни эгаллаш қобилияти билан ифодаланади. Битирувчининг ўзини-ўзи ташкил этиши талабанинг бошқарув ва унга тегишли фанлар циклини ўрганиш жараёнида шаклланади. Бу келажакдаги фаолиятида ўз меҳнатини ташкил эта олиш билан ифодаланади, масалан белгиланган режим бўйича ишни бажара олиш, зарур маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, компьютер дастурларидан фойдалана олиш, иш шароити ва режимини яратиш. Психологик ўзини-ўзи ташкил этиш талабаларда фалсафа, иқтисодиёт, ҳуқуқ, тарих, психология каби фанларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчилар томонидан мақсадли равишда яратилади.

Таълим хизматлари, уларнинг натижаси тўғрисидаги олимлар фикрларини таҳлил қилиб, ҳозирги ривожланиш жараёнларни ҳисобга олган ҳолда биз “Олий таълим хизматлари” тушунчасига қуйидаги таърифни таклиф этамиз: инсон капиталига сармоя киритиш асосида таълим олувчининг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларга махсус билимларни бериш ва амалий кўникмаларни шакллантириш билан боғлиқ олий таълим муассасаларининг хизматларидир.

Олий таълим жаҳон миқёсида ҳам, яқка шахс нуқтаи назаридан ҳам давлат тараққиётининг энг муҳим омили бўлиб, келажакда давлат ривожига ҳисса қўшадиган инсонларга сармоя киритишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга жамиятнинг ривожланиши олий таълимнинг даражаларига эмас, балки унинг

сифатига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли олий таълим тизимини тадқиқ қилишда унинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида ҳам устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Таълим хизматлари, жумладан олий таълим хизматларининг сифатини таъминлаш айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки улар номоддий хизматлар қаторига киради.

Таълим хизматлари сифати ҳар қандай олий таълим муассасаси стратегик бошқарувининг асоси бўлиб, унинг муваффақиятли ва барқарор ўсишини белгиловчи омил ҳисобланади.

Сўнги ўн йилда таълим, жумладан олий таълим сифатини яхшилашга қизиқиш маълум даражада ошди.

Таълим хизматлари сифатини белгилаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, мазкур соҳа бўйича қуйидаги олимларнинг тадқиқот ишларини ўрганиб чиқдик:

Пазагади фикрига кўра, ҳар қандай олий таълим тизимининг сифати унинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўли ҳамда ушбу мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслардан қандай фойдаланиши билан белгиланади [12]. Бундай шароитда олий таълим сифати моддий ва молиявий ресурсларнинг мавжудлиги ва таъминланишида кадрлар салоҳиятини максимал даражада оширишга, таълим тизими ва унинг смарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни мувофиқлаштириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади [13].

Л.М.Струминская таълим сифатини баҳолаш бўйича “Таълим сифати деб, эришилган таълим натижалари билан меъёрий талабларнинг мувофиқлик даражасини акс эттирувчи таълим тизимининг хусусиятлари тушунилади” [14] каби таърифни келтирган.

Таълим ва таълим жараёнларини хизмат сифатида кўриб чиқиш мумкинлиги ушбу секторнинг ўзига хос омиллари ва элементларини умумлаштиришга ёрдам беради.

Юқори даражадаги сифат, йўналишидан қатъий назар, ҳар қандай олий таълим муассасаси ривожланишининг асосий омилли бўлиши керак. Чунки сифат тушунчаси мураккаб ва кўп қиррали бўлгани учун олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари қанчалик кўп бўлса, унинг сифатини аниқлаш турли қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

Кўпинча, олий таълим хизматлари сифати атроф-муҳит ҳолатига, олий таълим муассасалари вазифаларига, маълум бир таълим йўналишининг ўзига хос стандартларига боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олий таълим хизматлари сифатини олдиндан ташкиллаштиришнинг иложи йўқ (Базарган, 1999). Чунки у педагогик ходимлар ва талабаларнинг имкониятлари, кўникмаларига, кафедра ва факультетнинг ички ресурсларига бевосита боғлиқ.

Кўпгина тадқиқотлар таълимни ривожлантиришда ҳам, билим олишда ҳам ўқитиш энг муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатади (Bardes va Falcone, 1998; Artiles, 1994). Ўқитиш доимий равишда ўзгариб турадиган ва ривожланадиган жараённи ифодалайди. Сифатли ўқитиш жараёни талабаларнинг муваффақиятини

таъминлайди ва уларнинг кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради (Fuller va Braun, 1975; Steffy va boshqalar, 2000).

Бошқа тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган соҳада талабаларнинг қобилияти ривожланишига профессор-ўқитувчиларнинг сифати таъсир этади. Юқори ўқитиш сифати билан таъминланган талабалар чуқурроқ ўрганиш қобилиятини намойиш этади.

1994 йилда Гувер ва Аррингтон профессор-ўқитувчиларнинг сифати иккита хусусият, яъни индивидуал хусусиятлар ва таълим тизимининг хусусиятлари билан аниқланишини таъкидлайди. Бошқа тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олий таълимда урта хусусиятга эга бўлган самарали ўқитиш услуби энг яхши ёрдам беради: ақлий, ҳиссий ва жисмоний.

Ломас (2004)нинг фикрича, сифатли таълимни таъминлаш олий таълим муассасасининг юқори сифатли ташкилий маданияти, ўқитувчиларнинг ўзига хос тажрибаси, раҳбариятнинг уни тез-тез такомиллаштириб туриши, таълимга алоҳида эътибор ва бошқалар билан боғлиқ.

Ворки (2006) тадқиқотларига кўра, ўқитиш усули, дарс тузилиши, баҳолаш тартиби, шахслараро муносабатлар олий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлардир.

Шундай қилиб, олий таълим муассасалари томонидан тақдим этиладиган таълим хизматларининг сифати мураккаб тушунча бўлиб, бу ҳақда ягона таъриф мавжуд эмас. Чунки мазкур тушунчанинг бир қисми талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби, инфратузилма элементларининг сифати билан боғлиқ бўлса, иккинчи қисми ўқитиш жараёни, амалга оширилган лойиҳалар, меҳнат бозорида ишга жойлаштирилган талабалар сони ва бошқалар билан боғлиқ.

Умуман олганда сифатли таълимни таъминлашга бир неча омиллар таъсир кўрсатади:

- олий таълим муассасасининг юқори сифатли ташкилий маданияти;
- таълимга алоҳида эътибор;
- талабаларнинг доимий касбий ривожланиши билан шуғулланадиган бўлимнинг мавжудлиги;
- ҳудуддаги ўқитувчиларнинг ўзига хос тажрибаси ва олий таълим муассасаларининг уни доимий такомиллаштириши ва ҳ.к.

Хизматларнинг фойдали хусусиятлари уни истеъмол қилинганда пайдо бўладиган, истеъмолчиларнинг талабига жавоб берадиган ва меъёрий-ҳуқуқий мезонларга тўғри келадиган объектив хусусиятлардир [15].

Таълим сифатига таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги маҳаллий олимларнинг фикрларини умумлаштириб, истеъмолчилар нуқтаи назаридан таълим сифатининг таркибий қисмлари ва уларнинг қониқиш даражасини қуйидагича тақдим этиш мумкин:

1. Таълим хизматларидан фойдаланиш объектининг сифати (абитуриент, талаба, докторант, тайёрлов курсларининг тингловчилари, малака ошириш курсларининг тингловчилари ва ҳ.к.)

2. Таълим хизматларини кўрсатиш субъектининг сифати (мактаб, ўрта-махсус таълим муассасаси, олий таълим муассасаси), шу жумладан:

- ўқув дастурларининг сифати (тузилиши ва мазмуни);

- профессор-ўқитувчилар таркибининг сифати (малакаси, даражаси, илмий унвони, тайёрлов даражаси);
- ўқитиш ва тарбия усулларининг сифати (ўргатишнинг методика ва технологияси);
- хизматларни тақдим этишни ресурслар билан таъминлаш сифати;
- моддий-техник база (ўқув ва лаборатория хоналари, асбоб-ускуналар, сарф-харажатлар);
- ахборот-услубий таъминот (ўқув адабиётлар, қўлланмалар, масалалар тўпламлари, макетлар ва ҳ.к.);
- илмий тадқиқот ишининг сифати.

3. Таълим хизматларини тақдим этиш жараёнининг сифати, шу жумладан:

- таълим хизматларини кўрсатишни ташкил этиш ва жорий этиш сифати (таълим жараёнининг мазмуни ва шакли, рағбатлантириш омиллари);
- таълим хизматларини кўрсатиш жараёни назоратининг сифати;
- таълим хизматларини кўрсатиш жараёни натижасининг сифати (талабалар ва битиручилар билим даражасининг мутахассисликлар давлат таълим стандартларига мос келиши) [16].

4. Истеъмолчиларнинг қониқиш даражаси:

- истеъмолчилар таълим хизматлари сифатидан қониқишининг юқори даражаси (талабалар, иш берувчилар ва бошқалар)
- таълим ташкилоти ўқитувчилари ва ходимларининг ўз ишидан қониқишининг юқори даражаси;
- жамият аъзолари билим даражасининг юқорилиги [17].

Шундай қилиб, ҳар қандай таълим муассасасининг фаолияти биринчи навбатда, таълим хизматларини тақдим этиш билан боғлиқдир. “Таълим хизматлари” тушунчасига берилган юқоридаги таърифларни ҳисобга олиб, жамият манфаати ва таълим хизматлари сифатига таъсир этувчи омиллар каби “таълим хизматларининг сифати” тушунчаси таълим жараёни муайян истеъмолчиларининг қутилган ва қутилмаган таълим эҳтиёжларини қондирадиган таълим жараёнининг хусусиятлари ва хоссалари мажмуидан иборат.

Хулоса ва таклифлар

Сўнгги ўн йилда таълим хизматлари сифатини тартибга солишда мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарори билан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолияти йўлга қўйилди. Республикадаги барча олий таълим муассасалари таркибида Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлимнинг асосий вазифалари олий таълим муассасаси талабалари билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш, кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш ҳамда олий таълим муассасасини ички баҳолашдан ўтказишни ташкил этиш ва ички баҳолаш натижаларини, таълим сифатига таъсир этган омиллар тўғрисидаги маълумотларни

олий таълим муассасаси ректорига ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этишдан иборат, деб белгиланди [18].

Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа тажрибасини ўрганиб, Финляндия бу борада етакчи давлатлигига гувоҳ бўлдик. Финляндияда бу вазифани олий таълим вазирлиги ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлайдиган мустақил ташкилот - Финляндия олий таълим сифатини баҳолаш кенгаши бажаради. Мазкур кенгаш таълим сифати учун масъул бўлган институт ва ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Бу ташкилотлар орасида Европа олий таълим сифатини таъминлаш ассоциацияси асосий ўринни эгаллайди.

Финляндия олий таълим сифатини баҳолаш кенгашининг асосий вазифаси таълим жараёни сифатини баҳолаш ва мониторинг қилишда шаффофликни таъминлашга қаратилган аудит усуллариини такомиллаштиришдан иборат.

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари таркибидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлими фаолияти билан чет элдаги бу вазифани бажарадиган ташкилотлар фаолияти бир-биридан фарқ қилади. Чет элда мазкур ташкилот менежмент функцияларидан, яъни таълим сифатини режалаштириш, таълим жараёнини сифатга мувофиқ ташкил этиш, таълим олувчи ва таълим берувчилар фаолиятини рағбатлантиришни йўлга қўйиш, таълим сифатини назорат қилиш каби функцияларидан фойдаланиб, сифатни таъминлаш билан кўпроқ шуғулланишади. Бизда эса, афсуски, олий таълим муассасаларидаги Таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари фаолияти амалда фақатгина охириги функция – назорат қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. Назорат қилиш ва жазолаш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмаслигини ҳисобга олиб, мазкур бўлимларнинг фаолиятига қўшимча равишда

биринчидан, кафедралар билан ҳамкорликда бозорни ўрганиш;

иккинчидан, талаб мавжуд ихтисосликлар бўйича кафедралар режаларини кўриб чиқиш;

учинчидан, агар эҳтиёж бўлса, талаб мавжуд ихтисосликлар бўйича кафедралар режаларини ўзгартириш,

тўртинчидан, шу ўқув режа бўйича талабаларни тайёрлаш;

бешинчидан, битирган талабаларни талабга жавоб бериш-бермаслигини назорат қилиш вазифаларини қўшиш лозим.

Худди шундай бошқа соҳаларда ҳам менежментнинг барча функцияларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил учун Мурожаатномаси. <https://review.uz/oz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>

2. А.П.Панкрухин Маркетинг образовательных услуг, Омега-Л, 2007.

3. М.П.Мерзлова Концептуальные подходы к формированию взаимодействия профессионального образования и рынка труда. Автореферат дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – М., 2009. – 42 с.

4. А.В.Болотов Система оценки качества российского образования/ В.А.Болотов, Н.Ф.Ефремова // Педагогика. – 2006. - №1. – С. 22-31. – Библиогр.: с. 31.

5. Т.Е.Ривчун Модели управления в системе профессионального образования: (зарубежный опыт) / Т.Е.Ривчун // Вестник Томского государственного университета. – 2009. - №328. – С. 135-139.

6. Т.В.Данилова Методика оценки конкурентоспособности вузов/ Качества и конкурентоспособность в XXI веке: материалы V Всероссийской научно-практической конференции. – Чебоксары: Изд-во Чуваш. Ун-та, 2006. – С. 55-61.

7. С.А.Мохначев Управление конкурентоспособностью вуза на рынке образовательных услуг// www.lib.tsu.ru/mminfo/000063105/307/image/307-116-120.pdf (Экономика. – 2007. – №12. – С. 116-120.)

8. Е.Д.Липкина Теория и методология обеспечения конкурентоспособности учреждений высшего профессионального образования // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Екатеринбург: Издательство Омского государственного педагогического университета, 2010. – 45 с.

9. Ю.С.Куликов Система оценки качества учебного процесса/ Ю.Куликов, И.Свистунов // Высш

10. В.И.Звонников Проведение мониторинга качества образования: Методические рекомендации / В.И.Звонников, Н.Ф.Ефремова, Н.Н.Найденова, М.Б.Челышева. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2008. – 64 с.

11. О.В.Сагинова Трансформационные процессы в высшем образовании: Монография. – М.: Изд-во «Палеотип», 2005. – 272 с.

12. Pazagadi, M., Mirani Ashtiani, R., Akbari, N. (2005). Survey of quality directing of the Esfahan University's master students. Institute for Research and Planning in Higher Education 2, pp. 433–451.

13. Naveh Ebrahim, A., Karami, V. (2006). A study of relationship between triple skills of department chairs and improvement of educational quality. Quarterly Journal of Research and Planning in Higher Education 39, pp. 61–78.

14. Л.М.Струмнская Обеспечение качества высшего образования – центральный вопрос Болонского процесса. Философия образования. – 2006. - №3. – С. 48-53. – Библиогр.: с. 52-53.

15. М.Д.Красильников Оценка работодателями качества профессиональной подготовки работников/ М.Д.Красильников Бонларенко // Вопр. Образования. – 2005. - № 1. – С. 264-275.

16. Е.В.Ткаченко Управление качеством профессионального образования в условиях социального партнерства/ Е.В.Ткаченко // Качества профессионального образования: опыт, проблемы, перспективы: материалы межрегион. Науч.-прак. Конф. Ч. II / ГОУ Крипро. – Кемерово, 2004. – С. 8-13.

17. И.Б.Романова Управление конкурентоспособностью высшего учебного заведения. Ульяновск: Средневолжский научный центр, 2005. – 140 с.

18. <https://lex.uz/docs/3273609> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги 515-сон қарори